



АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИДА МЕДИАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Қувондиқов Зокир Облоқулович¹,

Бабажанов Фаррух Қадамбоевич²

¹ Самарқанд давлат университети, Юридик факультети
Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, юридик
фанлари номзоди, ² Самарқанд давлат университети,

Юридик факультети магистранти,

Профессional медиатор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6558878>

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 01 май 2022 г.

Утверждено: 10 май 2022 г.

Опубликовано: 17 май 2022 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

адвокатлик фаолияти,
медиатор фаолияти,
медиация, қонун,
медиатор, адвокат,
низо, адвокат-
медиатор, тарафлар,
профessional.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада адвокат томонидан профessional асосда, яъни малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун расман тан олинган шахс томонидан медиаторлик фаолиятининг амалга ошириши таҳлил қилинади. Ушбу йўналиш бугунги кунда самарали ва истиқболли кўринади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда янги медиация институтини ривожлантириш долзарб ва тобора муҳокамага сабаб бўлаётган ҳуқуқий масалалардан бири медиацияни кенг аҳолига етказиш ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисобланади. Ушбу жараён суд жараёнига нисбатан муқобил деб тан олинади ва тарафларнинг ўзаро келишувга эришиш ва ўзаро манфаатли ёки ўзаро мақбул келишувга эришиш учун мустақил ва холис медиатор - воситачи иштирокида улар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш бўйича низо тарафларининг ўзаро музокаралар ўтказишларида ётади.

Медиация – бу тарафлар ўртасидаги муаммоларни бетараф воситачи иштирокида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш демакдир. Бу усул

қўлланганда тарафлар жараёни ҳам, унинг натижаси – битимни ҳам ўзлари бошқариб, ўзлари йўлга солиб туради, тарафларнинг розилигисиз ҳеч нарса ҳал бўлмайди [1].

Медиациянинг мақсади – низо иштирокчиларининг ўз келишмовчиликларини мустақил ҳал қилиш лаёқатига, ўзаро талабларини қондиришга ва ҳар икки тараф учун барабар фойдали бўлган келишувга эришишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Медиация давлатлараро алоқаларда, оилалар, қўшнилари, сиёсий партиялар, профessional, диний ва бошқа жамоатчилик гуруҳлари ўртасида ва парламентда юзага келадиган низоларни бартараф этишда кўп асрлар давомида муваффақиятли қўлланилди.



Ҳозирги даврда судларга келиб тушаётган ишлар сони ортиб бораётганлиги сабабли жамият низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини қидирмоқда. Одатда давлат судлари низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак беради, сабаби улар давлат судларидаги ишлар сонини нормаллаштиришга шунингдек, одил судловни самарали амалга ошириш учун зарур шароит яратишга имкон туғдиради. Баҳсли муносабатлар субъектларининг диспозитивлиги чегараларини кенгайтириш ва зиддиятларнинг умумий даражасини пасайтиришга бўлган аниқ эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, медиациянинг Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида муваффақиятли интеграциялашуви давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифасидир. Шу муносабат билан, 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган 2018 йил 3 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги ЎРҚ-482-сонли қонунига (кейинчалик “Медиация тўғрисида”ги қонун) эътиборимизни қаратишимиз лозим[2]. Ушбу қонуннинг 12-моддасига кўра, медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин. Яъни, Қонунда низолашувчи тарафлар томонидан юзага келган келишмовчиликларини ҳал қилишда ёрдам бериш учун профессионал медиаторни таклиф қилишлари мумкинлиги назарда тутилган. Профессионал медиаторларнинг фаолияти “Медиация тўғрисида”ги қонунни ишлаб

чиқувчилар томонидан медиациянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўриб чиқилади ва Ўзбекистонда медиация тақдири кўп жиҳатдан профессионал медиаторларга, уларнинг мавжудлиги ва уларнинг иш сифатига боғлиқ бўлади деб тахмин қилиш ўринли бўлади.

Жамиятнинг медиацияга бўлган талаби шунга олиб келдики, натижада дунёда секин-аста янги касб – медиатор касби шакллана бошлади. Шу билан бирга, мутлақо табиий савол туғилади, қайси мутахассисликлар ва фаолият соҳалари вакиллари профессионал медиаторлар тоифасига киради. “Медиация тўғрисида”ги қонунда мазкур йўналишда ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Қонуннинг 12-моддаси иккинчи қисмига асосан профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессиялар медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг амал қилиш соҳаси 3-моддасида кўрсатилган бўлиб, ҳуқуқий низолар бўйича воситачилик қилишга қаратилган, бу эса, ўз навбатида, низолашувчи тарафларнинг эришган келишуви медиатив келишувни ишлаб чиқиш, шунингдек, эришилган келишувларни тўғри шакллантириш ва тўғри мустаҳкамлаш учун тарафларга малакали юридик ёрдам олиш зарурлигини тақозо этади. Медиатор бир талай махсус усулларни билиши, ўзи сўзамол ва чапдаст бўлиши



лозимки, улар ҳайрихоҳлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беради. Медиациянинг муваффақияти медиаторнинг фаросатига, устомонлиги, сўзамоллиги, барабар куйиниш ва бетарафлик ўртасидаги балансни сақлай олишига, энг муҳими, муаммоларни ҳал этишда ўзига маъқул кўринган йўлни, гарчи бу йўл вазиятдан чиқиб кетишнинг энг тўғри ва мақбул бўлиб кўринса ҳам, тарафларга рўқач қилмаслик қобилиятига боғлиқдир.

Айнан шу шароитдан келиб чиқиб, яъни малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг расман эътироф этилган субъекти адвокатнинг медиатор фаолиятини профессионал асосда амалга ошириши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан манфаатдорлик ҳисобланади. “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси олтинчи қисмига кўра, медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди. Медиатор бир вақтнинг ўзида низонинг барча тарафларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ва тарафларнинг манфаатларига зиён етказмаганлиги сабабли, адвокат-медиатор фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келмайди. Бироқ, бунинг учун адвокат-медиатор мутлақо бетараф бўлиши керак, яъни тарафлардан бирига ёки уларнинг ҳар бирига алоҳида юридик ёки бошқа ёрдам кўрсатмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида адвокатларнинг медиатор фаолияти билан шуғулланишларига чекловлар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 27 декабрь куни қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси учинчи қисми учинчи

бандига асосан адвокатга патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эканлиги белгиланган[3]. Бинобарин, адвокатнинг медиатор фаолиятини амалга оширишига фақат адвокатлик фаолияти доирасида йўл қўйилади[4]. Ушбу ғояга таяниб, шуни таъкидлаш керакки, адвокатлик фаолияти адвокатнинг касбий фаолияти бўлганлиги сабабли, адвокатнинг медиатор сифатидаги фаолияти фақат профессионал асосда амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги замон шароитида профессионал медиаторлар қаторига юридик ҳамжамият вакиллари – корпоратив одоб-ахлоқ меъёрлари юқори бўлган малакали адвокатларнинг кириб келиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда медиациядан фойдаланиш амалиётини шакллантириш босқичида медиаторлар орасида адвокатларнинг бўлиши, низоларни ҳал қилишнинг ушбу усули зарур ижтимоий эътирофга эга бўлишини ва непрофессионал медиаторларнинг фаолияти натижасида обрўсизлантирилмаслигини кафолатлайди.

Адвокатнинг медиатор вазифасини бажариши анъанавий адвокатлик фаолиятидан вакил ёки маслаҳатчи сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- адвокат фаолиятининг алоҳида соҳаси турли мавзулардаги низоларнинг зиддиятлари ва муносабатларини чуқур таҳлил қилиш билан боғлиқ;

- томонларнинг низони ҳал қилиш учун ўзаро манфаатли ёки ўзаро мақбул шарт-шароитларни излашда



қўмаклашадиган мустақил ва холис воситачи сифатида адвокатнинг алоҳида ўрни;

- адвокатлик фаолияти амалга ошириладиган махсус жараён ва ушбу жараёнда адвокат-медиаторнинг ўрни. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, адвокатнинг медиатор вазифасини бажариши адвокатнинг мутлақо янги мустақил тури сифатида тавсифланиши мумкин[5].

Тарафлар ўзаро келишмовчиликларини чиндан ҳам бартараф этмоқчи бўлса, медиация ҳар қандай низоларни ҳал этиб бериши мумкин, зотан бу билан ҳеч қандай таваккал бўлмайди, деган фикр бор. Нар и борса, вақт кетади, холос. Агар медиация жараёнида бирор келишувга эришилмаса, тарафлар ваколатли суд ёки бошқа процедурага мурожаат қилишлари ёхуд яна қайтишлари мумкин бўлади. Муаммо медиация йўли билан ҳал этилмаган тақдирда ҳам тарафлар одатда можаро моҳиятини ва ўз манфаатларини чуқурроқ англаб оладилар. Кейинчалик улар суд билан самаралироқ ҳамкорлик қила бошлайдилар. Бундан ташқари, тарафлар ўзларини қандай тутиш кераклиги ҳақида фойдали маслаҳатлар оладилар, бу эса янги можароларнинг олдини олишда уларга қўл келиши мумкин.

Медиатор тарафларга медиация ҳақида, ўзининг вазифалари ва тарафларнинг медиация ҳақида маълумот беради, ўзаро муносабатлардаги асосий тартиб-қоидаларни белгилайди (масалан, бир-бирининг сўзини бўлмаслик, ҳақоратомуз ибораларни ишлатмаслик ва ҳоказо), медиациянинг асосий принципларини изоҳлаб беради.

Медиация адвокатлар учун одатий суд жараёнидан тубдан фарқ қилади. Судда низолар судьялар томонидан тарафлар учун мажбурий бўлган ва мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин бўлган қарорлар чиқариш йўли билан тугатилади. Медиатор фаолиятини амалга ошираётганда, адвокат нафақат томонларнинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини ва низода уларнинг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқмаслиги керак, балки томонлар ўз манфаатларини мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан келишмовчиликларни тугатиш учун тегишли қонуний ечимларини топишда ёрдам бериши керак.

Медиациянинг моҳияти музокараларда ўз аксини топади. Уларнинг муваффақият билан тугаши учун нафақат тарафларнинг келишмовчиликни енгишга интилиши ва иродаси, балки адвокат-медиаторнинг қобилияти ва тажрибаси ҳам муҳимдир.

Медиаторлар фаолияти вужудга келган муаммолар, келишмовчилик ва низоларни ҳал қилишга ёрдам беришга қаратилган. адвокат-медиатор далилларни ўрганмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, унинг асосий вазифаси – тарафлар орасида ўзаро тушунишни таъминлаш, ҳамма иштирокчилар учун мақбул бўлган шароитларда муаммони ҳал қилиш имкониятини амалга оширишни аниқлаш ва ёрдам бериш ҳисобланади. адвокат-медиатор вазият ва унинг орқасида турган тарафларнинг манфаат, хоҳиш, ҳиссиёт ва талаблари



олдин айтилиши, кейин эшитилиши ва ниҳоят ҳамма иштирокчиларга тушунарли бўлиши учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қилади. Фақат шундан кейингина адвокат-медиаторнинг ташаббуси билан далиллар қайта кўриб чиқилади ва биргаликдаги қарор яъни, барча тарафлар учун мақбул бўлган низонинг ечими ишлаб чиқилади. Бу жараён нафақат низо ва унинг натижасида келиб чиқадиган салбий ҳиссиётларни енгишга имкон беради, балки келажақда ишонч асосида янги келишувларга эришишга ҳам ёрдам беради.

Медиатор жараённинг холис ташкилотчиси бўлиб, мулоқотга ярашув руҳини бағишлайди, учрашув бошиданоқ тарафлар музокараларни олиб бориш тартиби бўйича бир қарорга келишларига қўмаклашади. Медиация жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у жараёни жиловлаб туради ва тарафларга ўзлари ўзаро мақбул келишувга эришишлари мумкинлигини кўрсатиб беради.

Тарафлар ҳуқуқларини давлат судларида ҳимоя қилишнинг суд шаклидан медиация жараёнининг асосий фарқи медиаторнинг низонинг моҳиятига нисбатан ўз-ўзидан ҳеч қандай қарор қабул қилмаслиги ҳисобланади. Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини оладилар, яъни тарафларнинг ўзлари яқуний келишув учун жавобгардир. Медиатор сифатида адвокат медиацияни ўтказиш бўйича

умумий раҳбарликни таъминлайди, тарафларнинг ярашувига ёрдам беради, лекин кўриб чиқиладиган масалаларни белгиламайди, муҳокама йўналишини кўрсатмайди ва низони ҳал қилиш шартларини белгиламайди.

Бугунги кунда адвокатларнинг муқобил тартиб-таомилларда, шу жумладан адвокатлар томонидан медиаторлик фаолиятини амалга ошириш хорижий тажрибада мавжуд. Яраштириш йўналиши сезиларли даражада ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш адвокатлар ва ҳуқуқшунослар томонидан одатда ўз ҳуқуқи сифатида кўриб чиқилади ва улар ушбу янги ҳуқуқий амалиётни фаол равишда ривожлантирадилар[6]. Натижада уларнинг баъзилари суд ишларини юритиш ўрнига музокаралар, медиация ва бошқа муқобил тартиб-таомилларга ихтисослашган. Ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда адвокатларнинг иштироки уларнинг профессионал фаолиятининг табиий элементи сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида медиациянинг кенг тарқалиши, адвокатларнинг медиаторлик кўникмаларини эгаллаши ва медиатор фаолиятини профессионал асосда амалга ошириши муқаррар ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳодисалар қанчалик тез содир бўлиши жуда муҳимдир. Юқорида таъкидланганидек, адвокатнинг медиатор вазифасини бажариши адвокатлик фаолиятининг жуда истиқболли тури сифатида баҳоланиши керак.



Адвокатнинг низони ҳал этишда медиатор сифатида иштирок этиши медиаторнинг умумий вазифаларини бажариш билан бир қаторда уларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни ҳам назарда тутди. Шу билан бирга, бу ҳолатда ўзига хослик шундан иборатки, юридик ёрдам адвокат-медиатор томонидан мустақил ва холис малакали адвокат сифатида низонинг барча томонларига биргаликда кўрсатилади.

Медиатор фаолиятини амалга оширишда адвокатнинг касбий билим ва кўникмалари тарафлардан бирининг фойдасига адвокатлик фаолиятини амалга оширишдан тубдан бошқача тарзда амалга оширилади.

Адвокат-медиатор малакали юридик ёрдам кўрсатиш субъекти сифатида – тарафларга медиация тартиб-таомилининг ҳуқуқий хусусиятини, унинг бошқа муқобил тартиб-таомиллардан ва суд жараёнидан фарқланишини, медиация жараёнини ўтказиш, медиациянинг натижалари бўйича хулоса чиқаришнинг ҳуқуқий оқибатлари, унинг натижалари бўйича медиатив келишувни тузиш ёки тузмаслик, медиатив келишувни бажариш тартиби, шу жумладан мажбурий ижро этиш тартибини тушунтиради.

Медиатор айtilган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, тарафларга ҳар иккаласини қониқтирадиган ечимни аниқлашга ёрдам беради. У кейин келиб чиқадиган оқибатларни тарозига солиб кўради, яъни тарафлар билан биргаликда ушбу ечимлар қандай натижалар беришини, ҳар бир тараф булардан нималар кутаётганлигини ўрганиб чиқади.

Мабодо шу ёки олдинги босқичда эҳтирослар кучайса ёхуд муҳокама боши берк кўчага кириб қолса, медиатор ҳар бир тарафга алоҳида гаплашиб олишни таклиф этиши мумкин. у тарафлар билан қўшма мажлисга олиб чиқувчи номақбул ҳисобланган ахборотни бирга кўриб чиқиши, оқибатлар нимага олиб келиши мумкинлигидан огоҳ қилиши ва у ёки бу тарафнинг ҳулқ-одобини ўзининг ҳақиқий манфаатларига мос келмаслигини айтиши мумкин. бундай учрашувлар чоғидаги гап-сўзлар махфий бўлиб, бир тарафнинг розилиги билан иккинчи тарафга ошкор қилиниши мумкин.

Медиатор ўзаро мақбул келишувга эришиш ва уни ҳужжат орқали расмийлаштиришда тарафларга кўмаклашади. Тарафлар қайси бири келишувни бузса, бунинг оқибати қандай бўлишини келишиб олишлари керак. Бу нарса расмийлаштирилган келишувдаги бандларда кўрсатилиши лозим. Келишув тарафлар учун самарали бўлиши учун у аниқ, лўнда ва ҳар икки тараф учун ҳам тушунарли бўлиши шарт.

Медиация муносабатларни сақлаб қолишга ёки тиклашга ёрдам бераркан, ўзаро алоқаларни келгусида ҳам давом эттириш истаги бўлганда айниқса фойдали ва самаралидир. Шубҳасиз, медиация барча ҳолатларда ҳам ягона чора эмас, лекин ихтиёрий равишда профессионал медиаторга яъни, адвокат-медиаторга мурожаат қилинса, кўп ҳолларда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, медиация турли туман келишмовчиликларнинг: тадбиркорлар ўртасида келиб чиқувчи



низоларнинг, иш берувчи билан ходим ўртасида келиб чиқувчи низоларнинг, оилавий низоларнинг, қўшнилар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказоларни ҳал этишда жуда қўл келиши мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, адвокатнинг медиатор вазифасини бажариши адвокатлик фаолиятнинг янги ва жуда истиқболли мустақил тури ҳисобланади. Медиация адвокатнинг бажариши мумкин бўлган янги вазифани ва адвокат-медиаторнинг иштирок этиш тартиби ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу вазифа туфайли адвокат томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг

тубдан бошқача шаклини ўз ичига олади. Шу билан бирга, адвокат-медиатор томонидан кўрсатиладиган ёрдам одатда қонуний бўлиб, адвокат томонидан келишмовчиликларни медиатор сифатида ҳал қилишда ёрдам бериш бўйича топшириқни қабул қилиш фақат ҳуқуқий низолар бўйича тавсия этилади. Медиаторлик фаолиятини “Медиация тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган касбий асосда медиаторлик вазифасини бажариш учун профессионал ваколатга эга адвокат томонидан амалга оширилиши бугунги кунда самарали ва истиқболли бўлиб кўринади.

Литературы:

1. Ўзбекистонда ҳакамлик судларини тузиш ва уларнинг фаолияти бўйича қўлланма. ўқув-услубий қўлланма/Асьянов Ш.М., Қодирова Л.Ф., Корсун Г.В. ва бошқалар. Тошкент 2005.
2. 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/3805227>
3. 1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/29626>
4. О возможности адвоката участвовать в качестве медиатора в урегулировании споров. Адвокатура в России: Учебник. / Под ред. Л.А. Демидовой, В.И. Сергеева. М., 2005.
5. Касательно выделения видов адвокатской деятельности: Воскобитова М.Р. Участие адвоката в реализации права граждан на обращение в межгосударственные органы по защите прав человека и основных свобод М., 2009.
6. Энтрингер Ф. Развитие со страховкой // Медиация и право. Посредничество и примирение. 2010. N 1; Ричбелл Д. В России у медиации есть огромные возможности // Медиация и право. Посредничество и примирение. 2010. N 1
7. Шамликашвили Ц. А. Основы медиации как процедуры урегулирования споров. — М.: Межрегиональный центр управленческого и политического консультирования, 2013. — 128 с. [ИСБН 978-5-98872-030-0](https://www.isbn-international.org/view/title/978-5-98872-030-0)
8. Медиация — искусство разрешать конфликты. Знакомство с теорией, методом и профессиональными технологиями / Составители: Г.Мета, Г.Похмелкина / Перевод с нем. Г.Похмелкиной. — М.: Издательство Верте, 2004. — 320 с. [ИСБН 5-94866-002-8](https://www.isbn-international.org/view/title/5-94866-002-8)



9. Козлов Владимир, Козлова Александра. Технологический подход к переговорам. —
Издательство: АБФ, Лаборатория Бизнес Тренинга, 2007 г.
10. Мельниченко Р.Г. Адвокатура: Учебное пособие. М., 2009.
11. Collaborating on Divorce, Forbes — January 16, 2007